

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2026 йил январь ойининг 29-куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: суд раиси [REDACTED], судья ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар прокурорининг ёрдамчиси [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг манфаатида Тошкент вилояти, Янгийўл тумани [REDACTED] иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддасининг 1-қисми билан судланувчи [REDACTED] оид №1-1119-2601/8-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] 1996 йил 2 майда Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар вояга етмаган фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, ёлланма ишлар билан шуғулланади, [REDACTED] яшайди, ушбу жиноят иши бўйича дастлабки терговда эҳтиёт чораси муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 24 декабрда олган, соғлом.

Суд, суд мажлисида текширилган далилларга асосан қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] 2025 йил 29 май куни соат 17:30 ларда, Янгийўл шаҳар, Туркистон МФЙ, А.Шерматов кўчасида таниши [REDACTED] билан автомашинаси ичида ўзаро суҳбатлашиб ўтириб ва унга рашк қилган ҳолда ўзаро жанжаллашиб қолишиб, [REDACTED] кўлида бўлган бир дона аёллар соатини ва телефон аппаратини орқа томонида ғилофи ичида бўлган 100 АҚШ долларини очикдан-очик талон-тарож қилиш йўли билан олиб қўйган.

Судланувчи [REDACTED] ушбу жиноятни содир этганлиги қуйидаги далиллар билан исботланади.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлиги, жабрланувчи [REDACTED] билан 2023 йил май ойларида танишганлиги, у билан ишқий муносабатда бўлиб юрганлиги, 2025 йил 29 май куни соат 17.30 ларда [REDACTED] билан Янгийўл шаҳар, “Туркистон” МФЙ ҳудудида автомашинасида суҳбатлашиб ўтиришганида [REDACTED] телефониغا СМС хабар келганлиги, шунда уни кўлидан телефон аппаратини олиб СМСни ўқиганида, [REDACTED] бошқа йигит билан ишқий муносабатда бўлиб, гаплашиб юрганини билганлиги, шу сабабли у билан оғзаки жанжаллашиб қолиб ва М.Умарованинг кўлидаги қўл соати ва телефони орқа ғилофида бўлган 100 АҚШ доллари олиб қўйиб ва уни автомашинасидан тушириб юборганлиги, кейин [REDACTED] ИИБга хабар берган бўлиб ва унга маҳалла профилактика инспектори кўнғироқ қилиб, хонасига чақирганлиги, профилкатика инспектори хонасига келиб ва бўлиб ўтган ҳолатларни тушунтирганлиги, шу пайтда профилактика инспектори хонасига [REDACTED] кириб келганлиги, унга қўл соати ва 100 АҚШ долларини қайтариб берганлиги, ҳозирда оқибатини ўйламасдан қилган ишидан чин кўнғилдан



пушаймонлиги, жабрланувчи билан муносабатлари яхшилиги, оилавий аҳволи, оилани ягона боқувчиси эканлигини ҳисобга олиб, қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо берилиши ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида, Янгийўл шаҳар бозорида жойлашган “Элегант” гўзаллик саломида косметолог бўлиб ишлашлиги, 2023 йил май ойида [REDACTED] билан танишганлиги, [REDACTED] билан учрашиб ишқий муносабатда бўлиб юришганлиги, 2025 йил 29 май куни соат 17:00 ларда Янгийўл шаҳар, “Туркистон” МФЙ ҳудудида М.Кучқоров билан учрашиб ва уни автомашинасида гаплашиб ўтиришганида, [REDACTED] уни рашк қилиб ва билан жанжаллашиб қолганлиги, шунда уни автомашинасидан тушиб кетаётганида, [REDACTED] уни чап қўлида бўлган телефон апаратыни олиб ва уни орқа ғилофи ичида бўлган 100 АҚШ долларини ва қўл соатини олиб қўйиб, уни автомашинасидан тушириб юборганлиги, шундан сўнг жаҳл устида ИИБ 102 рақамига кўнғироқ қилиб хабар берганлиги, кейин уни профилактика инспектори кўнғироқ қилиб ва маҳалладаги хонасига чақирганлиги, у ерга борганида [REDACTED] ҳам бўлганлиги, бўлган ҳолатлар бўйича тушунтириш хати ёзиб берганлиги, [REDACTED] унга тегишли 100 АҚШ долларини ва қўл соатини қайтариб берганлиги, М.Кучқоров унга тан жароҳати етказмаганлиги, унга моддий зарар бўйича даъвоси йўқлиги, ўзаро ярашганлиги, унга қамоқ билан боғлиқ бўлмаган бошқа енгил чора кўрилиши лозимлиги ҳақида кўрсатув берди.

Булардан ташқари, судланувчи [REDACTED] айби жиноят ишида дастлабки суриштирув ва терговда тўпланган жабрланувчининг аризаси ва тушунтириш хатлари, (ж.и. 10-13-в.), ашёвий далилни олиш тилхати (ж.и.14-15-в.), юзлаштириш баённомаси (ж.и. 49-51-в.) билан ҳам тўлиқ исботланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” 6-сонли қарори 3-бандида, айбдор, жабрланувчи ва бошқаларнинг кўз олдида ўзганинг мулкани эгаллаб олаётганлигини ва улар унинг ҳаракатларининг жиноий хусусиятини тушунганлигини англаганда, ўзганинг мулкани ошқора талон-торож қилиш талончилик ҳисобланади, деб тушунтириш берилган.

Суд, мазкур Пленум қарори тушунтиришига риоя қилиниб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] қасддан талончилик, яъни очикдан-очик жабрланувчи [REDACTED] анча миқдорни ташкил қилмаган мулкани талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддасининг 1-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига мувофиқ, давлат органи томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” 1-сонли қарори 3-бандига мувофиқ, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 16-сонли қарори 6-бандига биноан, судлар конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарур.

Бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Суд, ушбу жиноят иши бўйича судланувчи [REDACTED] жинояти оқибатида жабрланувчи [REDACTED] отказилган моддий зарар қопланганлиги ҳақида судга ёзма равишда ариза берганлигини эътиборга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, юқорида қайд этилган Конституция талабига ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи [REDACTED] айбига чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий аҳволини, қарамоғида вояга етмаган икки нафар фарзандлари борлигини, жиноят оқибатида отказилган моддий зарарни бартараф қилинганлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар ва жиноятни ғаразли (*моддий ёки бошқа мулкий йўсиндаги фойда олиш*) ниятларда содир қилганлиги айбини қисман оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, содир қилган жинояти ЖК 15-моддасига асосан ижтимоий хавфлилигига кўра унча оғир бўлмаган тури эканлигини, жабрланувчига отказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини эътиборга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда хулқини ахлоқан тузатиш мумкин деган хулосага келиб ва унга нисбатан жиноят содир этган моддаси қисмида назарда тутилган доирада ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 26, 454-460, 463, 465, 472, 473-моддаларига амал қилиб,

Ҳ У Қ М Қ И Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 15 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари тайинлансин.

Унга тайинланган жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи ички ишлари органлари белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталсин ва жазони ўташ муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини амалга ошириш маҳкумнинг яшаш жойи бўйича Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳининг зиммасига юклатилсин.

Ҳуқм қонуний кучга киргандан сўнг дастлабки терговда унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат бекор қилинсин.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 46-моддасининг 4-қисмига асосан, унга суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами ўттиз кундан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товласа ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетса, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириши мумкин.

Ҳукм устидан шу суд орқали апелляция шикояти ва протест ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида ёки кассация шикояти ва протест ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

████████████████████

Нусхаси аслига тўғри:

████████████████████

